Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ***
**к договору (контракту) от 06.10.2022 г. № 8**

**между "ORZU KAPITAL NUR" MCHJ и ЖШҲХ Обод. бош.**
**на общую сумму 97 000 000,00**

Глава 110

Казначейский лицевой счёт 100022860084017065100110004

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4332900 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | 97 000 000,00 | | | |
| Ноябрь | | | | 97 000 000,00 |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **97 000 000,00** | | | **97 000 000,00** |

Всего 97 000 000,00 сум — Девяносто семь миллионов сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 29 100 000,00 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в Октябрь месяце 2022 года.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика _______________ А.Қобилов
(подпись) Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика _______________ Д.Рахмонов
(подпись) Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения _______________
(подпись)

«___» _______________ 20___г.

Получил работник заказчика _______________
(подпись)

«___» _______________ 20___г.

# № 8 - сонли пудрат шартномаси

Жиззах шаҳри "06" Октябрь 2022 йил

**Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси** (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари **А.Қобилов** ва **"ORZU KAPITAL NUR" MCHJ** (кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари **Н.Мухидинов** мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар.

## 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда "Ишлар" деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

**Жиззах шаҳар "Истиқлол" болалар истирохат боғини томчилатиб суғориш тизимини барпо этиш ишлари.**

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил " 06 " Октябрга қадар пудратчига зарурий лойиҳа-смета хужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 30 кун ичида амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

## 2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30%и миқдорида бунак туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охирги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

**2.2. Мазкур шартнома Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.**

## 3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул килиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги. ва объектни қўриклаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳак тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул

қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатил ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

## 4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **97 000 000,00 (Тўқсон етти миллион)** сўм,
шу жумладан **12 652 173,91** сўм **15%** миқдорида ҚҚСни ташкил қилади.

4.2.Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4.Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

## 6. Форс-мажор холатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

## 7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни иқтисодий судда кўриб чиқишга топширадилар.

## 8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сунг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор килишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳакли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор килинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми кийматини тулайди.

8.6. Шартномани бекор килишга қарор килган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 9. Якуний қоидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди.Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга.Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага илова________________________________________________

## 10. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

**«Пудратчи»**

**"ORZU KAPITAL NUR" MCHJ**

(Пудратчининг номи)

Манзил: Жиззах в. Ш.Рашидов т.
Зиёкор мах. Сангзор кўча 110 уй

Тел./факс: +99893-309-00-10

(х/в ёки ш/х): 20208000705084551001

Банк номи: ЧЭКИ "Хамкорбанк" АТБ Жиззах фил.
ИНН: 306 469 566
МФО: 01117
ИФУТ:

Раҳбар: **Н.Мухидинов**

имзо
М.Ў.

**«Буюртмачи»**

**Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси**

(Бюртмачининг номи)

Манзил: Жиззах в. Жиззах ш.
Сангзор мах. Тоғлик кўча 10 уй

Тел./факс: +99872-222-40-54

ш/х: 100022860084017065100110004

ИНН: 201 433 199
ИФУТ: 90211

Ғазначилик бўлинмаси номи
Жиззах шаҳри бўйича Ғазначилик бўлинмаси
ЯҒХ: 23402000300100001010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)
МФО: 00014
Ғазначилик бўлинмаси СТИРИ: 201 122 919

Буюртмачи
Раҳбари: **А.Қобилов**

имзо
М.Ў.

*Хуқуқшунос:* ___________ (*имзо*) _______________ (*Ф.И.Ш*) *Гув-ма №* ______________ ______________

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: VV3763026627

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
JIZZAX VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
JIZZAX SHAHAR YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

130100, Jizzax shahar, Sharof Rashidov shox ko'chasi,
tel.: (998) 55 151 15 73, el.pochta: jizzaxyuridikmarkaz@gmail.com

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi tuzish to'g'risida.

3. Loyihaning mazmuni: Jizzax shahar hokimligi huzuridagi Obodonlashtirish boshqarmasi va lot raqamli № 154874 sonli tanlov g'olibi "ORZU KAPITAL NUR" MChJ o'rtasida 2022-yil 6-oktabrdagi № 8-sonli 97 000 000(to'qson yetti million)so'mlik pudrat shartnomasini tuzish to'g'risida.

4. Loyihani ishlab chiquvchi tashkilot: Jizzax shahar hokimligi huzuridagi Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan.

5. Loyiha dasturga kiritilgan sana: 2022-yil 6-oktabr kuni dasturga kiritilgan.

6. Loyiha amaldagi qonun xujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Юрист исм фамилияси: MAMATOV ABROR ASQAR O'G'LI

VO6422686682

2157798

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ORZU KAPITAL NUR" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ORZU KAPITAL NUR" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

30.05.2019 729167 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 306469566

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Jizzax viloyati, Sharof Rashidov tumani, Ziyokor, Ziyokor MFY Sangzor ko'chasi 110 uy,

Guvohnoma: Jizzax viloyati, Sharof Rashidov tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 154874 на приобретение Жиззах виялот Жиззах шахар Истиклол болалар истирохат богини томчилатиб сугориш тизимини барпо этиш

Способ проведения электронный

Дата 03.10.2022

Время рассмотрения 03.10.2022 13:06

Закупочная комиссия Жиззах шахар хокимлиги хузуридаги ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | AXMEDOV GAFURJON ABDULLAYEVICH | Бош мухандис (Комиссия раиси) | Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси |
| **Секретарь комиссии** | SINDOROV XUSNIDDIN ABDURAXIM O‘G‘LI | Етакчи мутахассис (Комиссия котиби) | Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси |
| **Член комиссии** | QAYUMOV AKBAR ABDURAJABOVICH | Бошлиқ ўринбосари (Комиссия аъзоси) | Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси |
| **Член комиссии** | RAXMANOV DILSHOD IBRAGIMOVICH | Бош ҳисобчи (Комиссия аъзоси) | Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси |
| **Член комиссии** | ALISHEV UBAYDULLA MUMINOVICH | Техник назоратчи (Комиссия аъзоси) | Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси |
| **Член комиссии** | ISLOMOV SHUXRAT OLIMOVICH | Бош иқтисодчи (Комиссия аъзоси) | Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 03.10.2022 года № лота 154874.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по монтажу системы капельного орошения** |
| Подробное описание | Жиззах виялот Жиззах шахар Истиклол болалар истирохат богини томчилатиб сугориш тизимини барпо этиш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 97 890 030.00 |
| Стартовая сумма | 97 890 030.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчиси бажраган ишлари тугрисида маьлумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Бажарилган ишлар малумоти

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО ORZU KAPITAL NUR** | 25 | Такдим килинади | 21 | Экспертная | | |
| **УЧ-ТЕПА САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА** | 25 | Такдим килинади | 18 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танлов иштирокчисининг доимий ишчилари тугрисида маьлумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчилар малумоти

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО ORZU KAPITAL NUR** | 25 | Такдим килинади | 22 | Экспертная | | |
| **УЧ-ТЕПА САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА** | 25 | Такдим килинади | 19 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танлов иштиркчиси солик ва бошка идоралардан карздорлик мавжуд эмаслиги тугрисида маьлумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Онлайн солик малумоти

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО ORZU KAPITAL NUR** | 25 | Такдим килинади | 25 | Экспертная | | |
| **УЧ-ТЕПА САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА** | 25 | Такдим килинади | 25 | Экспертная | | |

Критерий №4 танлов иштирокчиси махсус техникалари тугрисида маьлумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Техпаспорт нусхалари

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО ORZU KAPITAL** | 25 | Такдим | 20 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| NUR | | килинади | | | | |
| **УЧ-ТЕПА САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА** | 25 | Такдим килинади | 18 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **УЧ-ТЕПА САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА** | 97 890 030.00 | 97 500 000.00 UZS | 97 500 000.00 | 00.00 | 97 500 000.00 | 03.10.2022 12:53:11 | 9.94872 |
| **ООО ORZU KAPITAL NUR** | 97 890 030.00 | 97 000 000.00 UZS | 97 000 000.00 | 00.00 | 97 000 000.00 | 03.10.2022 12:45:59 | 10 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **УЧ-ТЕПА САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА** | 72 | 9.94872 | 81.94872 |
| **ООО ORZU KAPITAL NUR** | 79.2 | 10 | 89.2 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 154874 от 03.10.2022 года на приобретение Жиззах виялот Жиззах шахар Истиклол болалар истирохат богини томчилатиб сугориш тизимини барпо этиш определила победителем:

ООО ORZU KAPITAL NUR
306469566

и резервный исполнитель: УЧ-ТЕПА САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА (205965372)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | AXMEDOV GAFURJON ABDULLAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | QAYUMOV AKBAR ABDURAJABOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | RAXMANOV DILSHOD IBRAGIMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ALISHEV UBAYDULLA MUMINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ISLOMOV SHUXRAT OLIMOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »**

Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи

_______________ А.Кобилов

« 6 » ____10____ 2022 йил

« 06 » Октябрь 2022 йил                                                                                    Жиззах шаҳри

**Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси танлов хайъатининг навбатдаги танлови ўтказилганлиги бўйича**

## МАЖЛИС БАЁННОМАСИ

Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил 11 январдаги № 5-сонли буйруғи хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сонли қарорига асосан тасдиқланган танлов хайъати аъзолари қуйидаги таркибда қатнашдилар:

Ғ.Ахмедов - Бошқарма бош мухандиси, танлов хайъати раиси

**ХАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ**

А.Қаюмов - Бошқарма бошлиғининг ўринбосари, хайъат аъзоси

У.Алишев - Бошқарма техник назоратчиси, хайъат аъзоси

Д.Рахмонов - Бошқарма бош ҳисобчиси, хайъат аъзоси

Ш.Исломов - Бошқарма бош иқтисодчиси, хайъат аъзоси

**КУН ТАРТИБИ:**

Кун тартибида хайъат раиси Ғ.Ахмедов сўзга чиқиб келгуси ойда Жиззах шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси учун зарур бўлган товар, иш хизматларни сотиб олиш учун 10 кун олдин товар хом-ашё биржасига эълон талабнома бериш зарурлигини ва ушбу рўйхатни танлов хайъати томонидан тузиш таклифини хамда ушбу рўйхатни махсус порталга киритишга маъсул қилиб Бош ҳисобчини танлаш таклифини ўртага ташлади.

Кун тартибидаги масала юзасидан хайъат раиси Ғ.Ахмедов сўзга чиқиб, Жиззах шаҳар "Истиқлол" болалар истирохат боғини томчилатиб суғориш тизимини барпо этиш ишларини бажариш учун Бош ҳисобчи томонидан 26.09.2022 йилда берилган.

| № | Товар (иш, хизмат)лар номи | Суммаси |
|---|---|---|
| 1 | Жиззах шаҳар "Истиқлол" болалар истирохат боғини томчилатиб суғориш тизимини барпо этиш ишлари | 97 890 030 |

Бажариладиган ишлар учун берилган лот рақами 22110012154874 бўлган талабномага бир қатор ташкилотлар томонидан таклифлар тушганлигини ва энг яхши таклиф берган ташкилотларни танлаб олишимиз зарурлигини маълум қилди. Хайъат аъзоси У.Алишев сўзга чиқиб йиғилганларни ўз хизматларини таклиф этган ташкилотлар билан батафсил таништириб чиқди.

26.09.2022 йилда лот рақами 22110012154874 бўлган талабномага таклиф берган ташкилотлар қуйидагилар

| № | Товар (иш, хизмат)лар номи | Буюртмачининг бошланғич нархи | «ORZU KAPITAL NUR» MCHJ | «UCH-TEPA SAXOVATI MAXSUS SAVDO» XK |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Жиззах шаҳар "Истиқлол" болалар истирохат боғини томчилатиб суғориш тизимини барпо этиш ишлари | 97 890 030 | 97 000 000 | 97 500 000 |

Ушбу таклифларни йиғилиш қатнашчилари атрофлича ўрганиб чиқиб

## *ҚАРОР ҚИЛАДИ*

1. Жиззах шаҳар “Истиқлол” болалар истирохат боғини томчилатиб суғориш тизимини барпо этиш ишларини бажариш учун «ORZU KAPITAL NUR» MCHJ танлансин.

2. Ғолиб чиққан ташкилот билан бошқарманинг 100022860084017065100110004 бўлган ШХВ орқали шартнома тузиб хужжатларини расмийлаштириш хамда маблағларни белгиланган тартибда ўтказиб бериш келгуси ой учун зарур бўлган иш хизматлар учун махсус порталга эълон талабнома бериш бошқарма Бош ҳисобчиси Д.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

3. Жиззах шаҳар “Истиқлол” болалар истирохат боғини томчилатиб суғориш тизимини барпо этиш ишларини белгиланган тартибда қабул қилиш бошқарма Бош мухандиси Ғ.Ахмедов ва Техник назоратчиси У.Алишев зиммаларига юклатилсин.

*Шу кунгача 22110012154874 лот асосида бошқа талабгорлардан эътироз ва шикоятлар келиб тушмади.*

***Йиғилиш хайъати раиси*** **Ғ.Ахмедов**

***Хайъат аъзолари*** **А.Қаюмов**

**У.Алишев**

**Д.Рахмонов**

**Ш.Исломов**

# Т И Т У Л Ь Н Ы Й  С П И С О К  С Т Р О Й К И

## Раздел I Основные данные по стройке

| | |
|---|---|
| 1. Наименование и местонахождение стройки | Г.Джизак |
| 2. Заказчик | Жиззах шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси |
| 3. Разработчики | «IMKON-LOYIHA» MCHJ |
| 4. Экспертизы | «SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI» DUK |
| 5. Генеральный подрядчик | «ORZU KAPITAL NUR» MCHJ |
| 6. Источник финансирования | Местный бюджет |
| 7. Срок начала и окончания строительства | 2022 г. |

| | | |
|---|---|---|
| 8. Основные показатели стройки:<br>Мощность (в соответст. Единицах измерения) | По ПСД<br>97 000,0 | Остаток на 01.01.2022 г. |

## Раздел II/поквартальная разбивка прогноза на 2022 год

тыс. сум

| | Всего аз год | Втом числе По кварталам | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | I | II | III | IV |
| Жиззах шаҳар “Истиқлол” болалар истирохат боғини томчилатиб суғориш тизимини барпо этиш ишлари | 97 000,0 | | | | 97 000,0 |

**Подрядчик: «ORZU KAPITAL NUR» MCHJ**

**Раҳбари** **Н.Мухидинов**

**Заказчик: Жиззах шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси**

**Раҳбари** **А.Қобилов**

# XALQ DEPUTATLARI JIZZAX SHAHAR KENGASHINING QARORI

2022 - yil 4 - mart VI-39-37-3-55-K/22 Jizzax shahar hokimligi

**Жиззах шаҳар маҳаллий бюджетининг эркин қолдиқ маблағлари, даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми, Вилоят маҳаллий бюджетдан жалб қилинган ссуда маблағлари, хусусийлаштиришдан тушган маблағлар, ҳамда ҳокимлик захира жамғармалари ҳисобидаги маблағларни йўналтириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, Бюджет кодексининг 126- моддаларига асосан халқ депутатлари шаҳар Кенгаши

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

**1.** Шаҳар ҳокимлигининг таклифлари маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** Халқ депутатлари жиззах вилоят Кенгашининг 2022 йил 22 февралдаги № VI-33-70-3-0-K/22-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

**3.** Шаҳар молия бўлими (А.Абдужалилов)га:

Маҳаллий бюджетининг йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари, даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми, Вилоят маҳаллий бюджетдан жалб қилинган ссуда маблағлари, хусусийлаштиришдан тушган маблағлар, ҳамда ҳокимлик захира жамғармалари ҳисобидан 1-иловага мувофиқ тегишли ташкилотларга маблағ ажратиш вазифаси юклатилсин.

**4.** Шаҳар ғазначилик бўлинмаси (А.Расулов)га тегишли ташкилотларга ажратиладиган маблағларни Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонун талаблари, асосида амалга оширилиши устидан назорат ўрнатсин.

**5.** Шаҳар хокими ўринбосарлари (Х.Оналбоев), (Ш.Аҳмедов), Жиззах шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси (А.Қобилов), Ёшлар ишлари агентлиги (Д.Мирзаев), шаҳар маданият бўлими (Ф.Искандаров), шаҳар ҳокимлиги бош

ҳисобчиси (Қ.Наҳалбоев)га ажратилган маблағларни манзилли йўналтириш, мақсадли фойдаланиш кўрсатилган маблағларни қонун хужжатларига мувофиқ юқоридаги харажатларга йўналтириш вазифалари юклатилсин.

**6.** Ушбу қарор ижросини назорат қилиш, халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси хамда шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Тожибоев зиммаларига юклатилсин.

**Кенгаш раиси** **К.Холмуродов**

Xalq deputatlari Jizzax shahar
Kengashining
2022 yil 4 martdagi
VI-39-37-3-55-K/22-son qaroriga
1-ilova

**Маҳаллий бюджетининг йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳамда даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми, Вилоят маҳаллий бюджетдан жалб қилинган ссуда маблағлари, хусусийлаштиришдан тушган маблағлар, ҳамда ҳокимлик захира жамғармалари ҳисобидан амалга оширилаётган харажатлар**

*(минг сўм)*

| № | Маблағ ажратилган ташкилот | Мақсади | Маблағ миқдори |
|---|---|---|---|
| 1 | Жиззах шаҳар Маданият бўлими | Жиззах шаҳрида ўтказиладиган 8-март “Ҳалқаро хотин-қизлар” куни ҳамда “Навруз” умумхалқ байрами тадбири учун | 250000,0 |
| 2 | Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси | Жиззах шаҳри “Навруз” МФЙ “Истиқлол” боғи орқа томонида жойлашган (Якка тоғ) ҳудудидаги бўш ерларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш учун суғориш тизимлари ўрнатиш ва ҳар хил турдаги мевали ҳамда манзарали дарахтлар, ўт ўриш аппарати, сув насослари ва сув шланглари учун хариди учун | 637000,0 |
| 3 | Жиззах шаҳар ҳокимлиги | Ижодий уюшма ҳамда шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида 2021 йил давомида бажарилган ишлар ва 2022 йил номланиши билан боғлиқ 8 дона 3х6 метр хажмдаги ижтимоий банерлар чиқариш ва шаҳардаги бўш турган шитларга ўрнатиш учун | 20252,0 |
| 4 | Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси | Жиззах шаҳрида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари жумладан, Алишер Навоий ва Шароф Рашидов номли марказий шоҳ кўчаларининг тунги ёритиш чироқларини алмаштириш ҳамда ҳар хил манзарали тунги безакли чироқлар ўрнатиш учун | 1865000,0 |
| 5 | Ёшлар ишлари агентлиги Жиззах шаҳар бўлими | Жиззах шаҳри махаллаларида ташкил этилган ёшлар етакчиларининг иш самарадорлигини ошириш мақсадида 36 дона компютер жамланмси ҳамда 400 дона папкалар жамланмаси ҳарид қилиш учун | 332000,0 |
| 6 | Ёшлар ишлари агентлиги Жиззах шаҳар бўлими | Янги Ўзбекистон Ёшлари форуми 2021 тадбири учун Жиззах шахридаги уюшмаган ёшларга бериладиган совғалар | 15000,0 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 7 | Жиззах шаҳар ҳокимлиги | 2021-йилда Жиззах шаҳридаги Мехрибонлик уйини тамомлаб уй-жой ажратилган битирувчиларнинг уйларига зарур жихоз ва буюмлар билан таъминлаш учун | 28360,0 |
| **8** | Жиззах шаҳар ҳокимлиги "Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш" бўлими | Жиззах шаҳар Дўстлик маҳалласида яшовчи Зеновева Татьяна Егоровнанинг уй-жойини таъмирлаш учун | 37000,0 |
| **9** | Жиззах шаҳар ҳокимлиги "Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш" бўлими | Жиззах шаҳар Иттифоқ маҳалласида яшовчи Хисомиддинов Холмуроднинг уй-жойини таъмирлаш учун | 9000,0 |
| **10** | Жиззах шаҳар ҳокимлиги "Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш" бўлими | Жиззах шаҳар Дўстлик маҳалласида яшовчи Хакимова Хабибанинг уй-жойини таъмирлаш учун | 12000,0 |
| **11** | Жиззах шаҳар ҳокимлиги "Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш" бўлими | Жиззах шаҳар А.Темур ҳамда Олмазор маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан "Сунъий қопламали футбол майдончаси" барпо этиш учун | 600000,0 |
| **Жами** | | | **3805612,0** |